

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ САВДО КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ РОЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Соатов Санжар Сарварович**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал  
институтини мустақил изланувчиси, Божхона институтини ўқитувчиси*

*Email: Sanjarbek.89.ss@gmail.com*

*Тел: +998946000289*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутаяди. Икки томонлама ҳамкорлик дейилганда икки давлат ўртасидаги, яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади. Ушбу давлатлараро муносабатларни ривожлантириш бевосита ташқи савдони ривожлантириш билан боғлиқ. Шунга кўра, Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари, айниқса қўшни мамлакатлар билан бўлган ташқи савдосини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва чоратадбирлар ишлаб чиқиш бугунги халқаро интеграцион жараёнларда долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунга кўра Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда МДҲ мамлакатларга амалга оширилган ташқи савдоси таҳлил қилинди (1-жадвал).

**1-жадвал. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо кўрсаткичлари бўйича умумий таҳлили<sup>129</sup>**

Ташқи савдо кўрсаткичлари	2017	2018	2019	2020	2021
Ташқи савдо айланмаси (ТСА)	7,09	9,616	11,58	10,64	14,268
Экспорт	2,949	3,455	4,412	3,205	4,287
Импорт	4,141	6,161	7,169	7,433	9,923
Сальдо	-1,192	-2,706	-2,757	-4,228	-5,636
Импортни экспорт билан қоплаш коэффициенти	71,215	56,079	61,543	43,119	43,203
Ташқи савдо баланс коэффициенти	-0,168	-0,281	-0,238	-0,397	-0,395

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдонинг умумий кўрсаткичлари бўйича самарали ҳисобланмайди. Бунинг асосий сабаби, сўнгги йилларда Ўзбекистон экспорти, импортга нисбатан деярли икки мартага камайди. Натижада импортни экспорт билан қоплаш коэффициенти (экспорт\*100)/импорт) 50 фоиздан ҳам пасайганлигини кўриш мумкин. Ваҳоланки, иқтисодий назарияга кўра, мамлакат қанча экспорт қилса, ундан тушган валюта маблағлари ҳисобига шунча импорт қилиши керак. Шунинг учун, қуйидаги ўринли саволлар туғилади: “Импортнинг қийматини экспорт билан қопланмаган қисми, қайси

<sup>129</sup> Халқаро савдо марказининг расмий сайти – [www.trademap.org](http://www.trademap.org) маълумотлари асосида муаллифнинг таҳлилий ишланмалари

маблағлар ҳисобига амалга оширилмоқда?” -Ушбу саволга қуйидаги вариантларда жавоб бериш мумкин:

- Ўзбекистонга киритилаётган хорижий инвестициялар ҳисобига;
- Мамлакатнинг ташқи қарзлари ҳисобига;
- “Яширин иқтисодиёт” дан топилган маблағлар ҳисобига.

Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий интеграцион жараёнларда, техник-технологик янгиланишлар сабабли юқоридаги дастлабки икки факторнинг юзага келиши объектив ҳолат сифатида изоҳланади. “Яширин иқтисодиёт”ни олдини олиш ва мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини минималлаштириш чораларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу билан бирга, 1-жадвалда Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо баланс коэффициенти (Сальдо/ТСА) минус 40 фоиз эканлигини кўриш мумкин. Иқтисодий назарияга кўра, мамлакатнинг ташқи савдо баланс коэффициенти қанчалик “-1” га яқинлашса, шунчалик ташқи савдодаги самарадорлик паст даражада эканлигини англатади.

Шунингдек, МДХнинг дунё мамлакатларига амалга оширган экспортида Ўзбекистоннинг салоҳияти таҳлил қилинди (2-жадвал):

**2-жадвал. Ўзбекистоннинг МДХнинг жаҳонга экспорти ва Ўзбекистон экспортининг солиштира таҳлили**

Ташқи савдо кўрсаткичлари	2017	2018	2019	2020
МДХ жаҳонга экспорти	521,567	642,371	619,448	508,118
Ўзбекистоннинг жаҳонга Экспорти	10,079	10,921	14,345	13,127
МДХ экспортида Ўзбекистон улуши(%)	1,93	1,70	2,32	2,58

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти атиги 2,5 фоиз бўлиб. Бу ҳам асосан қишлоқ хўжалиги ва хомашёлар ҳисобига эришилган. Шунга кўра, таҳлил йўналишини ўзгартирган ҳолда, МДХнинг дунё мамлакатларидан амалга оширилган импорт таркибида, Ўзбекистон улуши (Яъни Ўзбекистон томонидан МДХ мамлакатларига қилинган экспорт) қийматлари таҳлил қилинди. Хусусан, 2021 йил маълумотларига кўра, МДХ мамлакатларининг жами импорти таркибида Ўзбекистон 230 та мамлакат орасида 33 ўринда бўлиб, улуши бўйича 0,48 фаизни ташкил қилади<sup>130</sup>.

**3-жадвал. Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги экспортини МДХ мамлакатлари бўйича тақсимланишининг қиёсий таҳлил**

<sup>130</sup> маълумотлари асосида муаллифнинг таҳлилий ишланмалари

Импортёр мамлакатлар	Ўзбекистоннинг экспорт киймати (Млн. АҚШ долларда)	Сальдо	Ўзбекистон Экспорти таркибида МДХ мамлакатлари улуши (%)	МДХ мамлакатлари импорти таркибида Ўзбекистоннинг улуши (%)
Дунё мамлакатлари	13 127,30	-6 827,86	100,00	
МДХ	3 204,97	-4 227,65	24,40	0,80
Россия	1 161,77	-2 917,99	8,80	0,50
Қозоғистон	732,32	-1 359,05	5,60	2,00
Қирғизистон	712,54	574,51	5,40	5,10
Тожикистон	284,26	191,84	2,20	7,60
Украина	119,32	-194,29	0,90	0,3
Turkmenistan	74,19	-320,89	0,60	2,20
Озарбайжон	51,10	22,43	0,40	0,60
Белоруссия	37,26	-176,64	0,30	0,10
Грузия	19,92	-53,04	0,20	0,30
Молдова	8,11	4,10	0,10	0,10
Арманистон	4,18	1,35	0,00	0,10

Юқоридаги жадвалда Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлар, айниқса кўшни мамлакатлар юқори ташқи савдо алоқалари ўрнатмаганлигини ва ташқи савдода Арманистон, Озарбайжон, Moldova, Тожикистон ва Қирғизистондан ташқари қолган барча МДХга аъзо мамлакатлар билан ташқи савдода салбий сальдо ҳолати кузатилган.

Юқоридаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдодаги фаоллигини ва самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифлар берилади:

Биринчидан, кўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, хусусан, чегарага яқин ҳудуд ҳокимликлари кўшни давлатнинг чегара ҳудудлари билан ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган меморандум имзолаш. Ушбу меморандум ижроси юзасидан, чегарадош ҳудудларда эркин бозорларни ташкил қилиш.

Иккинчидан, ташқи савдони тартибга солишга ва экспортни қўллаб қувватлашга қаратилган самарали молия механизмини юритиш. Жумладан, импортни оптималлаштиришга қаратилган дифференциал преференцияни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида импорт товарларини категориясидан келиб чиқиб белгиланади.

Учинчидан, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари асосида Ўзбекистоннинг экспорт товарларини диверсификация қилиш.

Юқоридаги таклифларни амалиётга жорий этилиши, Ўзбекистоннинг нафақат МДХ балки халқаро таъминот занжирида ҳам фаоллигини оширишга ижобий таъсирини кўрсатади.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.Ш.Дадабаев, С.С.Соатов, А.М.Сагитов. Божхона статистикаси ва тизимли таҳлил. Дарслик. Тошкент: БИ, 2020 й. - 421 б.
2. С.Н. растворцева, Н аправления внешне экономической деятельности белгородской области Экономический вестник– Россия, 2008г.  
URL//www.<http://dspace.nbuu.gov.ua/bitstream/handle/123456789/17805/14-Rastvorzeva.pdf?sequence=1>
3. Афонин П.Н. Таможенная статистика: учебное пособие. СПб.: ИЦ Интермедия, 2012. — 153 с.
4. Халқаро савдо марказининг расмий сайти – [www.trademap.org](http://www.trademap.org)